



Хеч қачон бирон жойда ишламаган ҳуқуқшунос, жуда кам тиражли газеталарнинг муҳбири, маълумоти тугалланмаган олий, террорчининг укаси, Россияда яшашни истамаган мухожир, китобларнинг ярмида Маркс ва Энгелснинг мактови, ярмида эса бошқаларнинг ҳақоратидан иборат ёзувчи, бир вақтнинг ўзида иккита хотин билан яшовчи шахватпарст.

У Россияни олти йил бошқарган – 1917 йил охиридан 1924 йил бошларигача. У ҳукмронлик қилган вақтда Европанинг энг қучли мамлакатларининг бири энг қашшоқ, таланган ва ҳўрланган бир мамлакатга айланди. Очлик ва турли хил балоларнинг қелиши билан жуда кўп одамлар қирилиб кетди. Суд тизими оммавий отувга ҳукм қилишларга алмаштирилди, давлат халқни тўнашни бошлади. Мамлакат ўзини ўзи яқалаб, ўзининг асосий максоди жаҳон революцияси дея эълон қилди, яъни бутун инсониятни ўз исқанжасига олишни ният қилди.

Ленин фаолиятининг баъзи жихатларига тўхталиб ўтамиз:

1905-1917 йиллар. Террорни ташкил қилди ва террорчиларни илҳомлантирди. Ҳуқуқни саклаш ва давлат ходимларини ўлдиришни рағбатлантирди. Талончилик, босқинчилик билан шугулланди.

1917 йил. Россияга қарши урушаётган Олмониядан Россияга келди. Олмонлар пулига дунёдаги биринчи рангли (қизил) инқилобни ташкиллаштирди.

1918 йил. Тарихда мисли бўлмаган хиёнатни амалга ошириб, Олмония олдида таслим бўлиб, унга Украина, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония ва Грузияларни бериб юборди. Олмония билан бирга урушаётган иттифокчиларини ҳам сотиб кетди.

1918 йил. Аввалги мамлакат рахбарини (подшони) оила аъзолари билан отиб ташлашга ҳукм чикарди. Аҳолини оммавий равишда катл қилиш учун “қизил террор”ни бошлаб юборди. Мамлакатни атайин фуқаролар урушига олиб келди, оқибатда мамлакат бутунлай вайрон бўлди. Ўн миллиондан ошиқ одам ҳалок бўлди, энг сара одамлари эса, яъни мамлакат элитасининг аксари ватанларини ташлаб кочди.

1918 йил. Ҳарбий коммунизмни жорий қилди. У-бу нарсаси бор фуқароларнинг уй-жой ва мол-мулкларини мусодара қилди. Йирик мол эгаларининг банклари, завод ва фабрикалари, тегирмонлар, кичик тадбиркорларнинг устaxonаларигача олиб қўйилди.

1920 йил. Юз минг аскар ёрдамида Тамбов дехконларини йўқ қилиб ташлади.

1921-1922 йиллар. Ленин ташаббуси билан аҳолидан озик-овкатларнинг олиб қўйиш натижасида беш миллиондан ошиқ одам очликдан ўлиб кетди.

1921 йил. Мамлакатни вайрон қилиб, коммунистик гоялардан воз кечиб, малакатни қайта тикламокчи бўлди. Янги Иқтисодий Сиёсат (НЭП) туфайли мамлакат йўқ бўлиб кетишдан оз бўлса-да, омонда қолди.

1922 йил. Черковларни тўнади, барча диний эътиқод вакилларига қарши уруш эълон қилди. Диндорларга қарши оммавий катагон бошланди. Диндорларни қириб ташлаш бошланди.

1922 йил. Миқий чегараланиш асосида СССРни ташкил қилди. Туркистоннинг туркийларини алоҳида миллат дея парчалаб ташлади. Чегаралар шу тарзда белгиланганки, энди олдинлари бир миллат бўлганлар бир неча аср ер ва сув талашиб, бир-бирларига адоватда бўлишади.

1924 йил. Ўзи халқи ва бошқа халқларнинг асл фарзданларининг қотили бўлган қарокчи-террористларни ҳокимиятда қолдириб, захм қасаллигидан ўлди.

Бўлди. Қискача айтадиган бўлсак бундан бошқа ҳаётида бошқа ҳеч нарса қилгани йўқ. Фақат пасткашлиқ, ифлослик, қабихлик, разолат – қотилликлар, тўнаш, ҳоинлик, вайронагарчилик, йўқ қилиш, қиргинликлар. Бундан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Ана сизга инсон тақдири ҳамда шахснинг тарихдаги роли.

Бунга ўхшаш аблахлар асрлар оша лаънатланиши қерак. Бирок қолганлар устидан ўз ҳукмронлигини янада қучайтириш ва оқлаш учун унинг ҳамтавоқлари уни ҳудо деб эълон қилмокчи бўлишди. Қабри устидан пирамида қуришди, унинг ичига эса янги фиръавннинг мумияланган жасадини жойлаштиришди. Халқни эса унга сигинтира бошлашди.

Коммунистик тузум малайлари бўлган мансабдорлар ўзлари сигинадиган бутларини файласуф ва ҳатто дохий дея тақдим қила бошлашди. Аммо унинг айтган бирон бир бемаъни гояларининг бир зарраси бўлса ҳам ўз тасдигини топмади. Давлат, армия ва полицияларнинг йўқ бўлиши ҳақида даъволар инқилобнинг илк қунларидаёқ пуч экани маълум бўлди. Пролетариат диктатураси ишчиларнинг ўзини ҳам талон-тарож қилиб ташлаган партия диктатурасига айланди. Сўнг “социализм”да яшаш подшо давридани ҳам қашшоқ яшашга олиб келди. Жаҳон инқилоби ҳам рўй бермади. Коммунизм ҳеч қаерда барпо этилмади ва ҳеч қачон барпо этилмайди. Социализм эса самарасиз ишлаб чиқариш усули экани ўз исботини топди. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлган шўролар эса доим коммунистик партия манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда сайловларда доим қаллоблик қиладиган парламентларга тақлид эди.

Бугун ҳамон аҳмок ва маънавий бадбашаларгина бузук нусханинг мурдасига сигинишини давом этмокда. Ёшлигидан миялари коммунистик гоялар билан айнитиб ташланган нусхалар ҳам улардан қолишаётгани йўқ. Олдинлари қўпчилик бу нусхалар “хурмати”

учун мавзолейдаги ярамас аблахнинг мурдасига тегиб бўлмайди, деб ўйларди. Ва яна кўпчилик ҳақиқатни таниб, советлардан кўнгли айландиган даражага келгач, коммунистларнинг мумияланган фиръавнини чет эллик саёҳларга кўрсатиб, пул ишлаш мумкин, деди. Тўғри, бунда ўликни таҳкирлаш бор, аммо бир тарафдан бу ёвуз конхўрнинг кабрига ҳаққоний равишда тупуриш ҳам эди.

Бирок айтилган вақт Россия собиқ СССРга қараб йиқилаётган бир даврда янги авлодга мустақилларнинг мурдалари эртами ёки кеч ахлат ўрасига тушиши муқаррар эканини кўрсатиб қўйиш ҳам керак. Лениннинг мурдасини ахлат ўрасига ташлаб ёкиш керак. Мавзолейни эса бузиш керак.

У билан боғлиқ бўлган турли хил номларни масалан, Ульяновск, Кизил юлдуз, Ленинград вилояти, шоссе ва кўчалар номларини ҳамда одамхўр ва унинг шерикларининг номлари берилган ҳамда инсонийликка қарши нафрат гоёлари билан сугорилган коммунизмнинг барча номларни ўзгартириш керак. Воқеалиқдан маълумки, давлат ўзининг, айниқса қўшни мамлакатлардаги заиф фуқароларни ҳали ҳам шу заҳарли гоёлар билан заҳарлаб келмоқда.

Мавзунини янада тушуниши учун қуйидаги истиорани ҳам таклиф қиламан. Ўзини каттиқ зўрлаб, фарзандларини ўлдириб ташлаган бир аёл ўз зўравонининг расмини чиройли бир рамкага солиб, уйининг тўрига жойлаганини бир тасаввур қилинг. Бу аёлнинг акли жойидами ёки йўқ? Фарзандларининг қотили ҳамда ўзини зўрлаган халқ қандайдир муҳаббат ила зўравоннинг мурдасига ғамхўрлик қилаётган халқнинг акли жойида бўладими ёки аклдан озган бўладими?

Тарихий манбалар асосида  
Абу Муслим тайёрлади